

Дашқанд жажукаму

№ 45 (10.622).

1994 йил

25 июнь

шанба

Сотува

эркин нархда

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадри дўстлар! Сизларни — мустақил Ватанимизнинг раванқи учун сиқидилдан хизмат қилаётган журналистлар, ношир ва матбаачилар, радио, телевидение, ахборот агентлиги ходимларини 27 шонъ — касб байрамингиз муносабати билан самимий кутлайман. Ўзбекистонда умумбашарий қадриятларимизни, халқимизнинг миллий гурурини тиклашда, юртимизда тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлашда, давлатимизнинг халқаро обрў-эътибори, маърифати ва шарафини мустаҳкамлашда сизларнинг уқан ҳиссанингиз бор.

Сизнинг она юртимиз истиқболини кўзлаган ҳаққоний сўзингиз истиқлол йўлида бунёдкорлик билан машғул халқимизни руҳлантириб келаётгани ҳаммамизни кувонтиради. Барчамиз учун қадрдон она юртимиз — Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажаги, иқтисодий, маданий тараққиёти йўлида хизмат қилиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Бу улғу, муқаддас мақсаднинг фидойилари — сизларга тинчлик-омонлик, бахт саодат ва шарафли меҳнатингизда муваффақиятлар, ҳаётингизда омад тилайман!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **И. КАРИМОВ**.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

- Кўп йиллик самарали меҳнати, мамлакат матбуоти ва ноширлигини ривожлантиришдаги хизматлари ва жамоат ҳаётида фаол иштирок этганлиги учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:**
- ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ**
- Алшев Гулом Самарқанд** вилояти "Зарафшон" газетасининг мухбири
Баранов Альфред Александрович Миллий ахборот агентлиги республика хабарлари таҳриратининг бош муҳаррири ўринбосари
Осербасв Ниятбай Қораўзақ тумани "Меҳнат байроғи" газетаси муҳаррири
Пак Лев Николаевич "Народное слово" газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари
Салдинов Маҳмуд Холиқул ўғли "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг бўлим мудирини
Қоржонов Абдурауф Ўзбекистон телевидениеси мухбири.
- ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ**
- Нурбасва Хатир** "Нурли жол" газетасининг масъул котиби
Сойбазаров Обиджон Қодирович "Ўзбекистон" нашриятининг расмий тартиқлов Эсон Турсунмуродович "Овози тожик" газетасининг бош муҳаррири ўринбосари
Турсунова Севар Жалиловна Ўзбекистон телевидениеси шарҳловчиси
- КУЙИДАГИЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИГИ БЕРИЛСИН:**
- Абдуллаев Абдугани** "Ўзбекистон матбуоти" журнали масъул котиби
Асқаров Қобилжон "Андижоннома" вилоят газетасининг бўлим мудирини
Аҳмедов Ашурвали "Маърифат" газетасининг бўлим мудирини
Боймўхамедов Рустам "Туркистон" газетасининг мухбири
Жулина Светлана Аршакова Президент

- девои босмаҳонаси бошлиғи
Жўраев Ашурвали Очилович "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг бўлим мудирини
Ибодинов Алишер Олтиариқ тумани "Давр овози" газетаси муҳарририни
Маткаримов Шухрат Мадраимович Ўзбекистон телевидениеси Хоразм вилоятидаги мухбирини
Мелибев Раҳимжон "Сирдарё ҳақиқати" вилоят газетасининг бўлим мудирини
Менглиқулов Ботир "Сурхон тонги" газетасининг бўлим мудирини
Муҳаммадов Салоҳидин Фазлидинович "Халқ сўзи" газетасининг бош муҳаррири ўринбосари
Низов Тимур Теджиевич "Правда востока" газетасининг шарҳловчиси
Норматов Иброҳим Давлат телерадиокомпаниясининг дастурлар директори муовинини
Оламжонов Хабибулла Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати бошлиғини
Позилов Абдуҳамид Маннопович Қўрай тумани "Давр овози" газетаси муҳарририни
Сатторов Умид Қизилтепа тумани газетаси муҳарририни
Соснин Владимир Алексеевич "Кашкадарьнская правда" газетаси муҳарририни
Толипова Басбуви Жаззах вилоят босмаҳонасининг харф терувчиси
Усмонова Мамалякат "Тошкент" матбаа корхонаси муҳова цехининг ишчиси
Хўжаева Назирахон Болтабоевна Миллий ахборот агентлигининг Наманган вилоятидаги мухбирини
Хўжабеков Еқубжон "Ватан" газетасининг муҳарририни
Қодиров Собир Пешку тумани "Меҳнат зарбори" газетаси муҳарририни
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг **И. КАРИМОВ**.**
- Тошкент шаҳри,
1994 йил 23 июнь.

ҚАРДОШЛАР ЮРТИГА ТАШРИФ

Анкара, 23 июнь. (ЎА мухбири хабар қилади). Ўзбекистон Республикаси Президентини Исом Каримов бугун давлат ташрифи билан Туркияга келди. Анкаранинг Ўзбекистон ва Туркия давлат байроқлари билан безатилган "Эсенбога" аэропортида Президент Исом Каримовни Туркия жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирал қутиб олди. Икки қардош юрт раҳбарлари кучок очиб қўришди. Одатда Туркия давлат раҳбари меҳмонга тайерагоҳда пешвоз чиқмайди. Бу сафарги учрашува эса Ўзбекистон давлат раҳбарига алоҳида ҳурматдан дарақ берди.

Анкара, 24 июнь. (ЎА мухбири хабар қилади). Ўзбекистон Республикаси Президентини Исом Каримовнинг ташрифи Туркия матбуотида кенг ериштирилди. Шарҳлар ва мақолаларда икки қардош халқнинг азалий алоқалари бугунги кунда янада мустоҳкамланди ва кенгайиб бораётгани алоҳида қайд

майдонда фахрий қорувул саф торди. Икки мамлакат давлат махфиялари янгради. Қардош мамлакатлар раҳбарлари журналистларга қисқача баёнот бердилар. Президентлар унда ота-боболаримиздан мерос бўлиб келатган дўстлик, биродарлик, ҳамкорликни янада юксак поғонага кўтариш ниятида эканликларини қайд этдилар.

баёнот имзоладилар. Шунингдек, учрашувада фуқаролик, савдо ва жинсий ишлар юзасидан ҳуқуқий ердан қўрсатиш ҳақидаги шартнома, Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Жумҳурияти ташқи ишлар вазирликларини ўртасида маслаҳатлашува ва ҳамкорлик тўғрисида протокол ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

ТУРКИЯ САФАРИ ЯКУНЛАНДИ

Анкара, 24 июнь. (ЎА мухбири хабар қилади). Ўзбекистон Республикаси Президентини Исом Каримовнинг ташрифи Туркия матбуотида кенг ериштирилди.

Турк халқларининг манфаатларига хизмат қилиши таъкидланди. Ташрифининг иккинчи куни ҳам қизгин мулоқот ва учрашуларга бой бўлди. Туркия Бош вазирини Тансу Чиллер хоним Исом Каримов қабулда бўлди. Ўзaro мулоқот чоғида турли соҳалардаги ҳамкорлик ҳамда минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан

фиқрлашиб олинди. Ўзбекистон раҳбари Туркиядаги таникли иш-билармонлар, йирик компания ва фирмаларнинг раҳбарларини ҳам қабул қилди. Бу учрашуларда ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари бўйича тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Шундан кейин Президентлар иштирокида кенгайтирилган таркибдаги Ўзбекистон-Туркия музокаралари бўлиб ўтди. Музокаралар нҳоясида Президентлар — Исом Каримов ва Сулаймон Демирал қўшма

меҳмон шарафига фахрий қорувул саф торди, икки давлат махфиялари янгради. Шу тариха Ўзбекистон раҳбарининг Туркия Республикаси давлат ташрифини нҳоясига етди. Икки қардош мамлакат ўртасидаги муносабатларини мустоҳкамлаш йўлида яна бир муҳим қадам ташланди.

(ЎА)

ШУ КУНГИ ЭНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикасининг миллий валюта — сўмини муомалага киритиш бўйича вилоят комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлиги бўлими ва бошқармаларнинг раҳбарлари, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари, банкларнинг бошлиқлари, молия ходимлари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари, ҳуқуқ тартибот органларининг раҳбарлари ва турли жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида"ги Фармониини амалга ошириш бўйича вазифалар муҳокам қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Республиканиннг истеъмол бозорини тўлдириб, пул муомаласини мустоҳкамлаш ва экспорт имкониятини кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Экспорт имкониятини кенгайтириш борасида корхоналар фаолиятини рағбатлантиришга оид тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Болини оилага рағбат дўлат ижтимоий ердами тизимини тақомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонларини бажариш юзасидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Ана шу масалалар юзасидан республика Бош вазирининг ўринбосари Б. С. Хамидовнинг маърузаси тингланди.

Маърузани мустақил Ўзбекистонда буюк тарихий ғоқара-республиканиннг ўз миллий валютаси — сўмини муомалага киритишнинг муносабати билан республика Президентининг юқорда кўрсатилган Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорини йиғил амалга ошириш билан боғлиқ бўлган амалий-ташқиқий масалалар ҳусусида батафсил ўтказилди, аниқ вазифалар қўйла ва уларни бажаришининг йўл-йўриқларини қўрсатиб берди. Вилоятда ана шу вазифаларни бажариш бўйича қилинган ишлар чуқур таҳлил этилди, намуна қамчилиқ-муқоссалар қўрсатилди, уларни зудлик билан бартараф этиш чоралари белгиланди.

Маърузадан сўнг вилоят давлат банки бошлиғи П. Солнев, агро-саноат банки бошлиғи З. Собиров, жамағарма банки бошлиғи Б. Мирзаамедов ўроқларини ахборотларни зийтишди.

Вилоятда миллий валютага ўтиш билан боғлиқ бўлган масалалар қизгин муҳокама қилинди. Аҳолига қўлайлиқлар яратиш, нафақаларни белгиланган мўддатда етказиб бериш, жамағарма ва бошқа банкларининг тезкорлик билан аниқ ишлашини таъминлаш, болини оилага рағбат дўлат ижтимоий ердами билан Фармонда белгиланган мўддатларга қатъий риоя қилган ҳолда ўз вақтида таъминлаш, вилоят корхоналарининг экспорт имкониятларини кенгайтиришининг зарур чораларини қўлаш, ўз миллий сўмининг қадрини ошириш юзасидан барча ташқиқий ишларни катта сафарбарлик билан амалга ошириш хусусида фирм-мулоҳазалар, тақлифлар ўртага ташланди, балдаги энг долзарб, кечиктириб бўлмайдиган вазифалар белгилаб олинди.

Муҳокама юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Комиссия йиғилишини вилоят ҳокими М. Икромов бошқарди ва яқунлади.

ЕТУКЛИК СИНОВИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Мулложонов билан суҳбат

— **Файзулла Мақсуджонович, Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида"ги фармонида Марказий банк зиммасига миллий валютани муомалага киритиш ва бир ой мобайнида сўм-купонларини муомалада чиқариб олиш ишларини назорат қилиш вазифаси юкталган. Шунингдек, 28 июндан — 31 июлгача иш ҳақи, пенсия, нафақа ва бошқа тўловларнинг сўмларда берилишини таъминлаш кўзда тутилган. Банк тизими ўз олдига қўйилган бу вазифаларни бажаришга тайёрми?**

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай. — **Мумкин бўлса, миллий валютани жорий этиш механизми ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз...**

— Миллий пул бирлиги — сўм 1994 йил 1 июндан бошлаб 1 сўм = 1000 сўм-купон нисбатиде муомалага киритилди. Чана ва бошқа нархлар, тарифлар, иш ҳақи, стипендия, пенсия, нафақалар, фуқароларнинг омонат кассалари ва тижорат банкларидаги омонатлари ана шу нисбатда қайта ҳисоблаб чиқилди. 1 июндан — 31 июлгача барча тўлов турлари, шунингдек, омонатларга ва республика доирасидаги пул ўтказмаларига сўм билан бирга сўм-купонлар ҳам қабул қилинди. Республика Президентининг фармонида мувофиқ савдо ташкилотлари, аҳолига хизмат қўрсатувачи барча корхона ва ташкилотлар ва талабни оғшимай бажариши шарт. Ички ишлар вазирлиги ва давлат солиқ қўмитасига сўм билан сўм-купонлар баробар муомалада бўладиган даврда сўм-купонга товар сотиш ва хизмат қўрсатишдан бош тортиган шахсларни қаттиқ жавобгарликка тортиш топширилди.

— **Сўм-купонларни омонатларга қабул қилиш шартлари қандай?**

— Бу омонатнинг хоҳишига боғлиқ. Сўм-купонларни хоҳлаган вақтда талаб қилиб олинадиган, мўддатли ва бошқа хил омонатларга чеklangан миқдорда қўйиш мумкин. Омонатнинг турига қараб белгиланган тартибда фойзалар қўйиб борилади. Омонатчи биринчи сентабрга шахсий омонат ҳисоб варақаларидан ҳисоб-китоб чеқлари, чек дафтарчалари орқали ёки омонатчининг ташқиқнома ё бўйича пул ўтказиш йўли билан операцияларни амалга ошириши мумкин, биринчи сентабрдан бошлаб эса талаб қилинган маблағ сўм ва тийинларда берилади.

— **Сўм-купон сўмга алмаштириб берилгани, алмаштирилса, қанча сўм-купон алмаштиришга қабул қилинади ва бунинг учун қандай қўшма ҳужжатлар зарур?**

— Сўм-купон сўмга махсус алмаштирилади. Аҳоли ўз қўлидаги сўм-купонларини 1 августга товар сотиб олишга, хизматлар ҳақини тўлашга сарфлаш, қолганини жамағарма банклари ва бошқа тижорат банкларига омонатга қўйиши мумкин.

— **Банк муассасалари 28 июндан — 30 июлгача иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялардан ташқари, хизматсафар харажатлари, ҳўжалик эҳтиёжлари учун харажатлар ва бошқа тўловларни банк бешинчи июндан кейин амалга оширади. Июль-августдаги таътил пуллари, хусусан, олий ва ўрта ўқув юртлари ўқитувчиларига миллий валюта пул бирлигида берилиши лозим...**

— **Судбатимиз охирида миллий валюта муомалага киритилгач, сўмининг товар билан таъминлаш даражаси тўғрисида банкчи сифатида сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим?**

— Сўмини муомалага киритиш — бир пул белгисини бошқаси билан алмаштиришдангина иборат эмас. Энг мўҳими, валютаниннг барқарорлиғи ва мустоҳкамлигини, унинг юқори харид

• Бугунги кунда "ШАРҚ" нашриёт-матбаа концерни босмаҳонасида 50 номда газета нашр этилмоқда. Ана шу газеталарнинг 28 таси компьютерлар ердамида тайерланмоқда ва босилмоқда. ЭХМ ердамида тез ва аниқ, ҳар жиҳатдан қўлай, озода ва камхарajat усулида ишлашга ўтилган, газеталарнинг безаги ва сифати янада яхшиланди.

— Йил охиригача қолган ҳамма газеталарни ҳам компьютерлар ердамида босишни режалаштирганмиз, — дейди компьютерлар бўлими чех бошлиғи Максим Бачев, — бу соҳада ходимларимиз ҳез бўлишига қарамай компьютерни бошқариш сирларини пухта ўрганиб олишмоқда. Бугунги кунда операторлардан Илес Лочинов, Жамла Гуртиченко, Алексей Шагаров, Лилия Бенашева, Елена Чуэнова сизгари ходимларимиз тажрибаларини ешларга ўргатишмоқда. Қўлингиздаги газетамизнинг ушбу сонини ҳам босмага тайерлашда юқорда номлари қайд этилган матбаа ходимларининг ҳиссаси катта.

Суратла: операторлар Наталья Маханькова ва Илес Лочинов.

Д. АХМАД сурати

(Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўнига вағишланган мақолаларни иккинчи саҳифада



«Ҳамшира-94» вилоят танлови яқунланди

Энг удабурро, энг хушфел, энг топқир

Мустақил Ўзбекистонимизда Президентимиз бошчилигида соғлом авлод учун амалга оширилган катта, хайрли ишларда тиббиёт ходимларининг улушлари беқиёсдир. Бугунги бозор иқтисодиёти шароити мураккабликлари эса улардан яна ҳам фидойи бўлишни, ўз устидиларига тинмай ишлаб, малака ва маҳоратларини ошириб боришни талаб этмоқда. Ушундан келиб чиқиб энг яхши ҳамширани аниқлаш мақсадида ўтказилган «Ҳамшира-93» кўриги ижобий самаралар берди. Ушбу танловда ўз билими, иқтидори ва ласқатини муносиб намойиш эта олиб, голиба бўлган оққўрғонлик «но Жўраева» «Ҳамшира-93» республика танловида ҳам муносиб иштирок этиб, энг юқори натижаларга эришди ва республикада энг яхши ҳамшира деб топилди. Вилоятимиз шарафини кўтарди.

Кўни кеча эса вилоятимизнинг даярли барча шаҳар ва туманларидан келган энг қаҳқон, энг билимли ва ўз касбининг устаси бўлган ҳамшира қизлар Тошкент туманидаги Шредер номли илмий ишлаб чиқариш бirlашмасининг сўлим боғига тўпландилар. Танловни вилоят ҳокимининг муовини Ҳакимжон Ҳамидов очиб берди ва барча иштирокчиларга омад тилади.

Иштирокчилар тўрт босқич бўйича синаб кўрилдилар. Дастлаб

Муостақил Ўзбекистонимиз тарихи, унинг буюк алоомалари, юртимизнинг бугунги кунда жаҳондаги макени, ҳаётдаги энг унутилмас воқеалари ҳақида берилган саволларга жавоб бердилар.

Иккинчи шарт талабига кўра қатнашчилар ўз касбларига доир саволларга жавоб қайтаришлари, беморга қандай хизмат кўрсатишларини амалда намойиш қилишлари керак эди. Айтиш мумкинки, ушбу босқичда ҳар бир қиз ўз талагани касбининг устаси эканлигини, унинг энг нозик сирасорларига ахши билишини муносиб намойиш эта олди.

Танловнинг учинчи босқичида оилавий муносабатларга доир саволларга жавоблар қайтардилар, ўзлари қизиққан соҳа бўйича иқтидорларини намойиш этдилар.

Мутахассислардан иборат бўрли ҳакамлар ҳайати танлов иштирокчиларининг ҳар бир қизиқшини муносиб баҳолаб бердилар.

Уларнинг умумий яқунига кўра Бўка туман марказий касалхонаси юқумли касалликлар бўлими ҳамшираси Шарифа Мирраимова голиб бўрли ва «Ҳамшира-94» республика танловида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини кўла қиритди. Унга вилоят ешлар иттифоқи қўмитасининг дипломи, телевизор, 250 миң сўм пул мукофоти топширилди.

Иккинчи фахрли ўрин эса Тошкент тумани марказий шифохонаси, Салимсоқов номли қишлоқ амбулаторияси ҳамшираси Гулнара Муҳаммадҷоновага насиб этди. Гулнарага ҳам диплом, 150 миң сўм пул ва палос совға сифатида топширилди.

Бекобод шаҳри вакили Сайера Жабборова — 3, зангиталик Лола Мақсудова — 4, Бекобод районидан келган Дилфуза Насриддинова — 5, парктлик Шаҳло Акбарова эса 6-ўринларга муносиб кўрилиб, улар ҳам қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Шу ўринда танловни юқори савияда ўтишини таъминлаган хомийлар — вилоят Соғлиқни сақлаш ва маданият бошқармалари, вилоят ешлар иттифоқи қўмитаси, вилоят тиббиёт ходимлари касабга уюшмаси, Тошкент тумани ҳокимлиги, туман маийш хизмат кўрсатиш бўлими, Ғ. Умаров жамоа хўжалиги, «Парвоз» ва «Ал-Аббос» хусусий фирмаларининг хизматларини алоҳида таъкидлаш зарур.

Танлов давомида Тошкент тумани хокими Р. Акбаров ҳар бир иштирокчиға туман хокимлигининг совғаларини топширди.

Зулхумор ЖўРАЕВА.
Суратларда: танловдан лавҳалар.
Д. АҲМАД тасвирлари.



Ислоҳотлар қандай бормоқда?

Оққўрғон туманида иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш ва хусусийлаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Туман хокимлиги сўнгги вақтларда деҳқон-фермер хўжаликларини сонини кўпайтириш ҳамда улар фаолиятини кучайтириш юзасидан муҳим ишларни йўлга қўйишга эришди. Бунинг натижасида эндиликда аҳоли ўртасида мулкчиликнинг турли шаклларида иш юритиб, қишлоқ хўжалиги ва чорва маҳсулотлари етказиб берувчи кишилар тобора кўпайиб бормоқдалар. Хусусий мулк эгалари ва фермер хўжалиги деҳқонлари фаолиятининг кун сайин жонланиб боришида улар билан шартнома асосида ишлашни йўлга қўйган туман тайёраов идораси бу борада ислоҳотларнинг олинчи сафида бормоқда. У бугунги кунда фермерлар ва якка тартибда иш юритадиган кишиларнинг асосий таянчларига айланиб қолган. Ислоҳотлар йўлида ҳамкорликда амалга оширилатган ибратли ишларни туман тайёрлов идораси бошлиғи Байдулла Давлатов шундай шарҳлайди:

тарқатдик. Ҳаммаси бўлиб 150 миллион сўм ердан пули берилди. Бундан руҳланган деҳқон фермерларимиз гайрат билан меҳнат қилишмоқда. Чунки улар маҳсулотларини ҳеч қачон исроф

ўйлайсиз? Биз бунга эриша оламизми? Бошқача қилиб айтганда арзончилик бўладими?

— Арзончиликка эришиш мумкин. Бунинг учун астойдил ишлаш, илмий пулимизнинг қадрини ошириш учун ҳаракат қилиш лозим. Агар давлат дўконлари ва хусусий корхоналар ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни устима нархда сотишни бас қилиб, истеъмол бозорларини чет маҳсулотлари билан тўлдириб йўлга излансаларинга бунга эришиш мумкин бўлади. Бу борада тайёрлов идоралари эътиборини мазсўлият, айниқса, катта. Масалан, қўшни жумҳуриятдан картошка эки атрофдаги вилоятдан олиб келиб бозорга тушириш эвазига у ердаги мана шу маҳсулотлар нархини бир неча баравар тушириб юриш мумкин. Биз шу йўлдан бораемиз. Айрим хўжаликлар, дўкон эгаларининг

— Едингизда бўлса жумҳуриятимиз Президентини Исом Абдуғаниевич Каримов бозор муносабатларига ўтиш эндигина бошланган дастлабки кунлардан оқ «Давлат бу борада бош ислоҳотчи бўлади» дея қайта-қайта таъкидлаган эдилар, туманимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда экан, бунинг натижаларини аввало Президентимизнинг ана шу йўл-йўриқларига оғишмай амал қилганганимизга боғламоқ керак. Сир эмас, кўпгина туман ва шаҳарларда фермерлар ва хусусий мулк эгаларига улар фаолиятларини бошлаётган чоғда зарур шарт-шароитлар яратиб берилди. Сўнг ана энди арванни ўзларининг тортавериплар қабилида иш тутилиб, ўз қўлларига ташлаб қўйилдилар. Табиийки, бундай мулкчиликнинг янги шаклида иш юритишга эндигина киришган одамлар тажрибасизлик туфайли бугун кўп қоқилмоқдалар. Бизда эса бу жаран бўтунай бошқача бошланди ва ана шундай давом этмоқда. Айтмоқчиманки, фермерлар гарчи улар мустақил ҳолда, ўз юмамоқ мулклари ва банкларда ҳисоб рақамларига эга бўлсалар-да, хокимлик — яъни давлат эътиборидан четда қолиб кетмадилар. Туртинчи йилдириқ, туман хокимлигининг маслаҳатати ва амалий қўмағи билан тайёрлов идораси ҳойлардаги деҳқон фермер хўжаликларини билан ҳамкорликда иш юритиб келмоқда. Биз уларга қорамол ва паррандаларини сотиб олишда, ҳамда турли эканлар уруғини топишда қўмақлашамиз. Еттишилган маҳсулотларини эса ўз вақтида исрофгарчиликка йўл қўймасдан қабул қилиб оламиз. Бизнинг бу амалий ерамизини барча фермерларга маъқул тушишмоқда. Шунинг учун ҳамкорликда ишловчилар сонини тобора ортиб борапти. Ҳозирги кунда туманимизда 60 га ақин гўш дўкони мавқуд бўлиб, уларнинг аксарияти биз билан ҳамкорликда иш юритмоқда. 25 та деҳқон фермер хўжаликлари, 30 та якка тартибдаги фаолият билан шуғулланувчи кишилар билан шартнома тузганмиз. Келишувга биноан шу йилнинг ўзида 18 та фермер хўжалигига еренгоқ уруғларини

олиб сотарлар шундай йўл тутилганда маҳсулотларини ўзимизга топширишга мажбур бўладилар. Биз эса аҳолига арзон нархда сотаверимиз. Мана шу йўл билан пулимизнинг қадри ошади, қиймати таъкидлаганимдек тайёрлов идораси ходимлари астойдил ишлашлари керак. Маҳсулот серб бўлмас экан, нарх-наво ҳеч қачон пастга тушмайди.

Биз бозорларимизда арзонгарчиликни йўлга қўйиш учун астойдил ҳаракат қилаёмиз. Шу кунларда тумандаги 12 та хўжалигининг ҳаммаси билан шартнома тузиб чиқдик. Ундан эиэд маҳсулот қабул қилиш шохобчаларини очиб қўйдик. Бу ерларда ҳадемай эс неъматларини қабул қилиб олиш бошланади. Маҳсулотларни ўй жиҳозлари ва қишлоқ хўжалик техника турларига айриб ошлаш мақсадида яқинда мени ўзим Минск шаҳрига бориб бу ҳақда шартнома имзолаб келишим.

Хулоса қилиб айтганда жамоамиз аҳолининг қундалиқ турмуш шароитини яхшилаш, одамларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини қондириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Биз туманимиздаги деҳқон фермер хўжаликларини жамоалари ва якка тартибдаги фаолият билан шуғулланаётган кишилар билан ҳамкорликда аҳоли эътижсини қондириш борасида барча ишларни қиламиз. Бунинг учун туман хокимлиги томонидан яратиб берилган шароит ва имкониятларимиз етарли.

— Кеирасиз, мана жумҳуриятимизда ҳам миллий пулимиз — сўмга ўтишмоқда, энди пулимизнинг қадрини ошириш, қийматини кучайтириш учун курашишимиз керак. Сиз нима деб

Суҳбатдош Иброҳим ТОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Меҳнат фахрийлари ҳақида ҳикоялар

ОНА КЎНГЛИ

Оналар қалби тоза ва безовта бўлади. Фарзанди ўсиб-улғайиб, бир ишнинг бошини тутиб олган бўлса ҳам барибир, у она учун ҳали еш боладак туюлаверади. Шунинг учун у фарзанди ўғилми-қизми то ишдан еки ўқиндан қайтиб келмагунча кўнгли ўрнига тушмайди. Робия ая ҳам ана шундай аёллардан. Катта ўғли Рустам, мана, бир неча йилдириқ, хўжаликда бош ҳослот бўлиб ишляпти.

Ҳосилотнинг юмуши айни кунларда тигиз эмасми, кўпича даладан кеч қайтади. Лекин онаси барибир уни кутиб ўтиради. Бутун ҳам шундай бўлди. Ниҳоят эшик очилиб, Рустамнинг қораси кўринди.

— Келдингми, болам, — деди у.

Робия ая унга салом берган ўғлидан ҳол-аҳвол сўради.

— Келдим, онажон, — деди у, — ахир вақт аллаҳақалға бориб қолди-ку, бемалол ухлайвермайсизми еки у ер-бу ерингиз оғриптими?

— Йўқ, болам, — дейди Робия ая, — ҳудоба шукр, яхшиман, хўш, ўзингнинг ишларинг қалай?

— Оббо сиз-ей, — дейди Рустам кулиб, — ҳаммаси жойида ойижон, — энди бизга ишониб топширддингизми, ҳеч вақт юзингизни ерга қаратмаймиз. Худо хоҳлса бу йил ҳосил мўл бўлади.

— Бўлсин, ўғлим, бўлсин! — дейди Робия ая, — ахир пахта бизни не-не қийин кунлардан сақлади, боқди. Бу экнинг қадрига етишимиз керак! Шунинг учун қизиқиб турибман-да, ўғлим. Ҳафа бўлмагин, онам бунча суриштираверадилар, деб. Ахир биз билан қолгани билан барибир далани қўмсайман. Ҳозир пахтазорда бўлиб, у ерда бир пиела ҳой ичсам ўзеки ош егандек ҳис қиламан ўзимни. Сендан суриштириб, билиб турсам кўнглим таскин топагандек бўлади.

Она бундан беш йил илгариги воқеани эслайди. Ушанда у бригадирлик қилаётган йилларининг охириги йили эди. Бир кун даладан қайта етиб, негадир ўзини ҳоригандек, чарчагандек ҳис қилди. Уйдагилар ҳам буни сезиб юришарди чоғи. Шунинг учун фарзанлари «ошажон, энди бригадирликни топшира қолинг!», деб қўштарди уни. Уйда наварча-чевараларга бош бўлиб, дуо қилиб ўлтирсангиз

бўлгани. У ноилоҳ кўнгандек бўлди.

— Кимни бригадирликка маъқул топамиз?

Кўпчилик унинг шу саволини кутиб турган экан.

— Рустамни қўйсақ қандай бўлади?

— Ўғлимни айтаяписизларми?

— Ҳа-да, ахир у олий маълумотли мутахассис, бошқармада ишляпти-ку, унинг меҳнатидан кўпчилик манвун деб эшитаемиз. Энди далага тақлиф қилинг, сизнинг ўрингизни боссин, амалий иш билан шуғулланса емон бўлмайди, тагин сиз истиҳола қилманг. Эл-юртнинг хоҳисини бу.

Кейинги гаплар онанинг кўнглини тордек кўтариб юборди, эл-юрт танийдиган, тан оладиган, фойдаси тегадиган фарзанд тарбиялаб вояга етказгани учун унинг қалбида шукроналик ҳислари туғен урди. Бригадирликка тайинлов маросимда у ўғли Рустамга оқ йўл тилади.

— Мен айримларга ўхшаб сизга машина қалитини топширолмайман, — деди у, — Мана бу қамчинни топшираман. Бу қамчи менга ешлик йилларимдан, оғир кунларимдан, уруш давридан ва ундан кейинги йиллардан эсдлади. Шунинг учун ҳам бу менга қадри ва ҳар қандай совгадан азиз. Сен уни асраб-авайла, қадрига ет.

Она шу гапларни айтаркан, хаел уни ўтимишга етаклайди. Тирикчилик, тақдир тақозосиданими у ўқиб илмий бўлиб савод чиқара олмади. Ўзининг айтишига қараганда саводини далада чиқарди. Унинг меҳнат фаолияти уруш йилларига тўри келди. Жамоа хўжалигига ҳамма еркаклар урушга кетган, далада фақат аёллар, кексалар, еш болалар қолганди. У аввалгига оддий колхозчи, сўнг галла бригадирини бўлиб ишлаш бошлади. 90 аелга бошчилик қилиб, ҳар бирининг кўнглига йўл топиб, меҳнат қилишга ундади. У айримларга ўхшаб бригадирман, уни қилинг, бунинг қилинг, деб буйруқ бериб ўтиришни ектирмасди. Бошига рўмолни тангиб олиб, омон кўшиб, хўки ҳайдаб, экин экиб, ер ҳайдар, ҳамма қатори ишларди.

— деб эслайдилар. — Бир кун қурилишга Усмон отанинг ўзлари келдилар. Илғорлар қатори менга ҳам бир кийимлик атлас совға қилдилар. Жуда хурсанд бўлиб кетдим. Уни яхши ният билан сақлаб юрган эдим. Яқинда чеварамга

ҳалол меҳнати, одамийлиги, камтарлиги билан жамоа хўжалиги аъзоларининг хурматини қозона борди. Шунинг учун ҳам узоқ йил хўжаликка раҳбарлик қилди. У эртаю-кеч далада бўлар, отда пайкалма-пайкал юриб, деҳқонлар билан мулоқотда бўлар, уларнинг дарди-ҳасратини ешитар, мулоҳазаларини, фикрларини ўрганар, ана шунга қараб раҳбарликнинг тош-тарозисини посонгисини оларди. Хурмат, эъзоз, обрў-эътиборнинг боиси шунданidir.

1959 йили у қишлоқ кенгашига раис қилиб сайланди. Сўнг бир йил район матлубот жамаиятига ҳам раҳбарлик қилди.

Лекин бу ишлар, табиийки, унинг кўнглидек эмасди. Дала меҳри уни яна ўзига тортиди. Яна жонажон хўжалигига қайтиб, пахтачилик бригадасига бошлиқ бўлиб ишлаш бошлади.

— Ҳозир ешим етимиш икки-кига борди, — дейди Робия Каримова, — ҳисоблаб кўрсам, элиқ тўрт йил далада ишлабман.

Меҳнат қилиб кам бўлмади у. Бир неча орден ва медалларнинг соҳибини. Ешлар мураббисини нишондори. Ўз меҳнат фаолияти давомида қўлаб шоғирларни тарбиялаб етиштирди. Зиед Исоқов, Йўлдош Ҳожиматов. Улар хўжаликка раҳбарлик қилганлар. Комил Содиқов узоқ йил туманда раҳбарлик лавозимда меҳнат қилиб, деҳқонлар хурматини қозонди.

У ўқилмагани, илмий бўлмасгани учун афсусланади. Шунинг учун фарзандларининг ўқимишли, саводли бўлишлари учун ҳамма имкониятларини яратиб беришга ҳаракат қилди. Ўқинлар, илмий бўлинглар, мен етмаган орзуларга сизлар етинглар, мен қилолмаган ишларни сизлар қиласизлар, дерди у. Шундай бўлди ҳам. Жамила шифокор бўлиб етишди. У ҳозир Тошкентдаги 5-туруруқхонада ишляпти. Ўғли Рустам Барот Умаров номли жамоа хўжалигида бош агроном. Уктам эса муҳандис. Туман газлаштириш идорасида меҳнат қилади.

Мана, бутун ҳам Робия ая хонасида узоқ вақтгача чироқ ўчмади. Одатгадек, у ўғли Рустамнинг даладан қайтишини кутаётган бўлса ажаб эмас...



Урушдан кейинги қийинчилик йиллари эди. Шу туфайли ҳам раҳбарлик осон кечмади, албатта. Лекин у кўпроқ одамларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг қорнини тўйдириш ҳақида ўйларди. Қайси ташкилотга борса, қайси раҳбар билан учурса, деҳқоннинг қундалиқ турмушига асқотадиган бирон нарсани ундириб келишга ҳаракат қилар ва кўпича бу ишлари учун деҳқонларнинг раҳматига, миннатдорчилигига сазовор бўларди. Ўзининг

Н. РИХСИБ.
Бўка тумани.

Жаҳон чемпионлиги учун



Кимлар курашни давом эттиради

Жаҳон чемпионлиги ўйинларининг олти гуруҳида мусобақалар давом этмоқда. Бу мусобақалар 1/8 финалчиларини аниқлаб беради...

Бразилия - Россия-2:0; Бу гуруҳда ҳозирча уч очко тўпланган бразилияликлар олдида.
"С" ГУРУҲИ
Германия - Бولвия-1:0; Испания - Жанубий Корея-2:2; Германия - Испания-1:1; Бу гуруҳда 4 очко олган Германия пешкада.

Шифокор оғоҳлантиради:

ДУЧОР БЎЛМАСЛИК — ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

ЯШИРИШНИНГ ҳолати йўқ. Вилоятимизнинг кўпгина қишлоқларида санитария-гигиена талабларига, озодликка риоя этмаслик оқибатида юқумли касалликларга чалиниш холлари кўпайиб кетди...

Шу боис ўткир юқумли касаллик ҳисобланган вабо тўғрисида яна бир бор маълумот бериб ўтмоқчимиз. Бу дардинг пайдо бўлиши эъл-тор деб аталган вибрионга боғлиқ. У ташқи муҳитда узок вақт сақланиш қобилиятига эга...

Ж. ХУҲАЕВ шифокор.

Мухаррар Н. НАСИМОВ

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Хурматли устозимиз Озодхон АКБАРОВ! Биз сизнинг кўп сонли шогирдларингиз таваллудининг 50 йиллиги муносабати билан чин дилдан муборакбод этамиз...

ЭЪЛОН

Фирма 300-400 килограммгача мижозда соқиб олади. Транспортни ва илҳин бор. Ҳақи шартнома бўйича исталган ваъданида тўланади.

«НАВРҮЗ» савдо-ишлаб чиқариш мажмуи» махсус гуруҳларга махсус шартлар билан қабул қилинади. 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган ўрта маълумотли йигитлар, шунингдек 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган қизлар қабул қилинади.

«Тошкент ҳақиқати» Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

БИЗНИНГ МАНЗИЛ: 700000, Тошкент, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

Душанба 21 июнь МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ
21.25 "Курьер". 11.40 "Эм-Ти-Ви"дан мусиқалар. 12.00 "Хар соҳадан бир шингил".